

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
АХБОРОТ



SCIENTIFIC-ANALYTIC
BULLETIN

2016, 1-сон

ISSN 2181-7308
www.tiu.uz



ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
АХБОРОТ

العلمية
الدراسية
الاسلامية

SCIENTIFIC-ANALYTIC
BULLETIN



Таҳрир кенгаши:

Абдуллаев Р.В. (бош муҳаррир)	и.ф.д., проф.
Абдуҳалимов Б.А.	т.ф.д.
Аъзамхўжаев С.С.	т.ф.д., проф.
Иброҳимов Н.	фил.ф.д., акад.
Исломов З.М.	фил.ф.д., проф.
Камилов К.С.	ф.ф.н.
Мадаева Ш.О.	ф.ф.д., проф.
Махсудов Д.Р. (масъул котиб)	т.ф.н.
Мухтаров Т.А.	фил.ф.д., проф.
Назаров Қ.Н.	ф.ф.д., проф.
Шермухамедова Н.А.	ф.ф.д., проф.
Ҳасанов А.А.	т.ф.д., проф.

Таҳрир ҳайъати:

Абдуллаев А.Б.	фил.ф.н., доц.
Абдуллаев А.Ғ.	т.ф.н., доц.
Акмалов Ш.И.	с.ф.н., доц.
Арипова З.Ж.	т.ф.н.
Валиев Б.Н.	ф.ф.н., доц.
Зоҳидов Қ.Т.	т.ф.н.
Мансуров А.Д.	
Муродов Д.	т.ф.н.
Оқилов С.С.	т.ф.н., доц.
Содиқов З.	и.ф.н., доц.
Турсунов Н.Х.	техн.ф.н., доц.
Усмонов И.С.	т.ф.н., доц.
Раҳимжонов Д.О.	т.ф.н., доц.
Юсупова Н.Ж.	ю.ф.н., доц.



Ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар

Мухаммад ибн Саид Мухаммад аъл Лавати. Ислам Каримов — первый президент Республики Узбекистан.....	4
М.Ризаева, Р.Низамова. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришнинг ижтимоий механизмлари.....	10
А.Самадов. Спорт ва соғлом турмуш тарзининг бирлиги: ўтмиш ва замон.....	15
Х.Қадирова. Миллий қадриятлар ва маънавий мероснинг жамият ҳаётидаги ўрни.....	19
М.Мусамухамедова. Аёллар – маънавият кўзгуси.....	22
Ш.Шожааллов, Ҳ.Абдуназаров. Сувдан оқидона фойдаланишнинг долзарб муаммолари.....	24
Z.Sodikov. Milliy iqtisodiyotda tijorat banklarining o'ziga xos roli.....	27
Ш.Негматова. Ижтимоий йўналирилган бозор иқтисодиёти ва унинг фалсафий моҳияти.....	31
Юн Шя Не. Маҳалла – миллий анъанавий ва тарихий институт.....	35
М.Шоқаламов. Қонуний ташқи меҳнат миграцияси — хавфсизлик кафолати.....	37

Мозий ва аждодлар мероси

Д.Қурязова. Туркистон моддий маданий меросининг сақланиб қолиниши ва музейларнинг ташкил этилишида маҳаллий аҳолининг ўрни (XIX аср охири – XX аср бошлари).....	40
К.Саипова. Национальная политика советской власти по отношению к национальностям ТАСССР.....	43
Р.Замилова. Тарих-шаҳс-қаҳрамонлик: акмеологик мулоҳазалар.....	47
Р.Алимухамедов. Турк-моний муҳитида яратилган тарихий асарлар ҳамда эпиграфик матналар: услуб ва бадиийлик.....	50
А.Кубатин. Понятие «титул» у древних тюрков.....	54
Х.Жумамазаров. Ўзбек халқининг таъбаат анъаналари.....	57
Д.Қурбонова. Москва Шарқ халқлари давлат музейидаги чой маданияти билан боғлиқ ашёларнинг хусусиятлари ҳақида.....	61
Э.Ражапов. 1917 – 1940-йилларда Ўзбекистондаги харбий билим юрталари тарихи.....	63
Н.Алимова. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ижтимоий-иқтисодий аҳолининг баъзи бир жиҳатлари.....	68
О.Исаев. XX асрнинг 20–30-йилларида Сурхон воҳасида хунармандчиликнинг ташкил этилиши, фаолияти ва муаммолар.....	72
М.Убайдуллаева. Usmoniylar davridagi shar'iy atamalarning kelib chiqishi va takomili.....	75

Фалсафий тадқиқотлар

Ш.Мавлонов. Замонавий фалсафий концепцияларда маънавий бораниқ муаммосининг ўзига хос талқини.....	78
Ф.Усмонов. Инсон ўтмиши ва келажаги билан туқнашувида рационаллик олдидagi вазифалар.....	82
Б.Бултаков. Идентиклик фалсафий муаммо сифатида.....	85

Филология масалалари

А.Собиров. Ёшлар тарбиясида сўзнинг ўрни.....	88
М.Мақсудова. Қадимги туркий мақолларда гап бўлақларининг тақрори.....	92
А.Қурбонов. "Хамса" сарлавҳаларида мазмун ва маҳорат муштарақлиги.....	96
Н.Махсудова. Ўзбек ва инглиз мақолларида кексаларга бўлаган муносабатнинг қиёси.....	101
М.Абдувахобова. Инглиз, итальян ва ўзбек лисоний маданиятларида "турмуш" концептининг гештальт таҳлили.....	105
З.Исломов. Ўзбек манбалунослигининг буюк дарғаси.....	109

4. Зуев Ю.А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. – Алматы: Дайк-Пресс, 2002.
5. Кашгари, Махмуд. Диван лугат ат-Турк / Пер. А.М. Ауэзовой, индексы Р.Эрмерса. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005.
6. Малов С.Э. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. – МЛ.: Издво АН СССР, 1951.
7. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. – МЛ.: Издво АН СССР, 1959.
8. Словарь русского языка. В четырех томах. Том IV. – М.: Гос. изд-во иностранных и национальных словарей, 1961.
9. Севортян Э. Этимологический словарь тюркских языков (Общетюркские и межтюркские основы на гласные). – М.: Наука, 1974.
10. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим). Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи филол. фан. канд. Қ. Каримов. – Тошкент: Фан, 1971.
11. Tekin T. Orhon yazıtları. Kül tigin, Bilge Kağan, Tunyukuk. – İstanbul: Sanat Kitabevi, 2003.
12. User H.Ş. Köktürk ve Ötüken Uygur Kağanlığı yazıtları. Söz varlığı incelemesi. – Konya: Kömen Yayınları, 2009.

СОКРАЩЕНИЯ

- БК, В – стела Бильге кагана, Восточная сторона
КТ, В – стела Кюль Тегина, Восточная сторона
КТ, З – стела Кюль Тегина, Западная сторона
КЧ – стела Кюли-чора (Кюль ич-чора)
О – Онгинская стела
Та, З – Тарьятская (Терхинская) стела, Западная сторона
Тон, З – Стела Тонь-Юука, Западная сторона
ШУ, В – стела Шине усу, Восточная сторона.
Цифры, следующие за этими сокращениями, означают номер строки памятника.

Андрей КУБАТИН,

Ташкентский исламский университет,
старший преподаватель кафедры «Истории»



ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ТАБОБАТ АНЪАНАЛАРИ

ТРАДИЦИИ УЗБЕКСКОЙ НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЫ

MEDICAL TRADITIONS OF UZBEK PEOPLE

Таянч иборалар: анъана, дори тайёрлаш, ташиxis, дориxона, табобат маданияти, ҳаммом.

Ключевые слова: традиция, приготовление лекарства, диагноз, аптека, медицинская культура.

Key words: tradition, make medicine, diagnostics, pharmacy, bathhouse, culture of medicine.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқ этнологияси ва унинг турли соҳаларини ўрганишга доир бир қанча диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Айнан истиқлол йилларида бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар каби этнология фани соҳасида ҳам бир қатор илмий-назарий ва методологик тадқиқотлар юзага келди [1;60]. Бу йўналишда сўнги йилларда халқ табобати ва унга доир анъаналар, замонавий тиббиёт билан алоқадорлиги каби масалалар ҳам фаннинг долзарб муаммоларидан бирига айланмоқда.

Айнан ҳозирда турли халқларнинг табобат анъаналари этнологик таҳлиллар орқали ўрганилиб, фанга тақдим қилинмоқда [2]. Биз мазкур мақолада ўзбек халқининг халқ табобатига доир анъаналар тарихини ўрганар эканмиз, XIX аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистонда фаолият юритган шарқшунос олимларнинг асарлари, саёҳатчиларнинг хотиралари, ҳарбийларнинг кузатувлари ҳамда вақтли матбуот материалларида бу борада қизиқарли маълумотлар баён қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу материалларга назар ташлайдиган бўлсак, уларда асосан халқ табобатига доир дори тайёрлаш, касалликка ташхис қўйиш ҳамда умумий даволаш усуллари каби анъаналар ёритилган. Жумладан, XX аср бошларида Фарғона водийсида фаолият юритган тиббиёт ходими В. Кушелевский водий материаллари асосида халқ табобати масаласини ёритар экан, аввало халқ табобати анъаналарига таяниб, уни уч гуруҳга ажратиш лозимлигини айтади: ғайритабиий куч (мистика)га оид табобат,

Ушбу мақолада халқ табобатининг ташхис қўйиши, дори тайёрлаш ҳамда умумий даволаш усулларига оид анъаналари келтирилган. Табиблар фаолиятида бу усул ва анъаналарнинг тутган ўрни мисоллар билан асосланган.

В этой статье вы можете узнать, как поставить диагноз согласно народной медицине, как приготовить лекарство, а также можете узнать о методах лечения и о роли этих традиций в деятельности медиков. Эта традиция основана на примерах.

In this article, give treatment of you may learn how to make a dianosis according national medicine; make medicine and general treatment methods concerning tradition. This method and tradition rank among based on with examples at quacks' activity.

эмпирик табобат ҳамда аралаш табобат [3;236]. Биз кўриб чиқмоқчи бўлган анъаналар айнан иккинчи гуруҳ (эмпирик табобат)га тегишли. Эмпирик табобат турли тажриба ва синовлар ҳамда кузатишлар натижасида шаклланиб, илмий асосланган ҳолда замонавий тиббиётнинг айрим қисмларида акс этади.

XX аср бошларида маҳаллий табиблар даволаш билан бир қаторда ўзлари касаллик турига қараб дори ҳам тайёрлашган. Ҳар бир табибнинг дори тайёрлаш усули ва хом ашёсида ранг-баранглик кузатилса-да, аксарияти синовдан ўтган ҳамда топиш имкони бўлган гиёҳлардан кенг фойдаланганлар.

Табиблар дори тайёрлашда Ибн Сино (980–1037), Ар-Розий (865–925) ва бошқа машҳур табибларнинг китобларига асосланган [4]. Шунингдек, шарқ табобатида кенг қўлланилган усуллар ҳамда гиёҳлардан фойдаланганлар: ўтлар, илдишлар, минераллар [5;382], азот кислотаси, олтингугурт [6;70], ҳайвонлар ҳамда ҳашаротлар [3;244] шулар жумласидандир. Шарқ табобатида дори тайёрлашда ишлатиладиган ўсимлик ва гиёҳларни ўрганиш бўйича ҳам изланишлар амалга оширилиб, натижада халқ табобатида қўлланиладиган доривор маҳсулотларнинг рўйхати тузилган [7]. Бунда доривор гиёҳларнинг номи (айримларида ҳам илмий, ҳам маҳаллий тилларда номланиши берилган), қайси касалликларга қарши дорилар тайёрланиши ва ўлканинг қайси жойларда етиштирилиши каби масалаларга эътибор қаратилган. Ушбу доривор гиёҳлар ёрдамида маҳаллий табиблар қуйидаги дори турларини тайёрлашган: ўтли дамлама, хапдори, маз, ярага боғланадиган малҳамли мато (пластир) ва бошқалар. Шу билан биргаликда ҳар бир табибнинг алоҳида ўзига маълум бўлган дори ва уни тайёрлаш

сири бўлиб, бундай дорилар фақатгина ўзларининг яқин мижозларига улашилган [6;69]. Бундай турдаги дорилар халқ орасида анча машҳур бўлиб, синалган дорилар сирасига кирган.

Табиблар ўз касби билан шуғулланиши ҳамда дори тайёрлаш учун жой масаласи ҳам ўзига хос йўсинда ҳал қилинган. Аксарият табиблар бозорларда фаолият юритганлар. Ҳар бир табибнинг бозорда махсус дўкони бўлиб, бу дўконларда турли касалликларга даво бўладиган дори-дармонлар сотилиши, шу ернинг ўзидаёқ табиб ҳастани кўриб ташхис қўйиши, тиш олиши, суяк чиқиши ва синишини даволаши мумкин бўлган [8]. Бундан ташқари маҳаллий атторлар ҳам дори ташувчи [9;112] вазифасини бажарганлар. Табибларнинг бозорларда фаолият юритишларининг боиси бевосита бозорда касалликка чалинганларнинг бўлиши, ўзига керакли гиёҳларни харид қилиш масофасининг яқинлиги, четдан келувчилар учун топиш имкони бўлган энг маъқул жой эканлиги кабиларни келтиришимиз мумкин. Айрим манбаларда табиблар ўз касбларидан ташқари бошқа касблар билан ҳам шуғулланишган. Масалан, “Мош табиб”лар илгари бозорларда донли маҳсулотлар билан ҳам савдо қилишган [10].

Демак, табибларнинг бозорлардаги жойлари ҳам дорихона, ҳам тиббий ёрдам кўрсатилувчи (одатда биринчи ёрдам) беморхона вазифасини ҳам ўтаган. Бундай махсус “дўконча”лар (дорихона) усти ёпиқ бозор расталарида кўзга ташланган. Мисол учун, Хива бозоридаги ана шундай энг катта ва қулай манзил Оллоқулихон тими ҳисобланган [11;29].

Табибларнинг яна бир анъанавий фаолияти – касалликка ташхис қўйишдир. Шарқ табобатида бунинг учун табиб беморнинг мижозини билиши муҳим ҳисобланган. Одатда ташхис қўйишда беморнинг томир уриши, тананинг ташқи аъзоларидаги ўзгаришларни кузатиш, нима тановул қилганлигини сўраш ҳамда беморда кечаётган салбий ҳолатларни кўриш ёки оғзаки сўраш кабилар муҳим [5;383]. Буларнинг ичида томир уришини текшириш кенг тарқалган усулдир. Ибн Сино томир уришини билиш учун айнан билакнинг танланиши сабабини қуйидагича келтиради: билакни табибга очиб кўрсатишдан уялиш ҳамда билак томирининг юракка яқин жойлашганлиги [12;59]. Бундай ташхис қўйишнинг нозик томони

Мозий ва аждодлар мероси

шундаки, ислом қоидаларига биноан бегона аёлларга (номаҳрам) тегиниш мумкин бўлмаган. Табибларнинг аксарияти эркаклар бўлганлиги сабабли бу бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқарган. Айрим вақтлардагина аёлларнинг томир уришини текширишга рухсат берилган, шунда ҳам аёл қўлини узатиб ўзи эшик, дераза ёки кўринмас парда ортида турган [3;243], табибнинг нигоҳи аёлга тушмаган. Бу даврда бундай “пинҳона” ташхис қўйиш табиблар орасида кенг тарқалган бўлиб, беморни кузатиш имкони йўқлиги табиий жараён эди.

Шарқ табобатида даволашнинг бир қанча умумий турлари тарқалган бўлиб, булар одатда қон олдириш, қайт қилдириш, парҳез сақлаш, массаж, баданни терлатиш ва бошқалардир. Бу усуллардан асосий мақсад баданни турли ёт унсурлардан тозалаш кўзда тутилади.

Қон олдириш одати одамлар орасида узоқ вақтлардан бери давом этиб келади. Ҳар йили Наврўз келиб, қизил гуллар очилганда қон олдириш мавсуми бошланган. Табиблар бош оғриғи, бош айланиши, қулоқ шангиллаши, темиратки, қичитма, терига тошадиган турли яралар, ҳуснбузар, баъзи оёқ-қўл оғриқларида ҳам қон олдиришни тавсия қиладилар [13;35]. Қон олиш билан сартарошлар [14], табиблар ва қортиқчилар [15;19] шуғулланишиб, улар қортиқ [16] солиш, наштар уриш ва зулук қўйиш усуллари орқали муолажа қилганлар. Бу усул ҳозир ҳам сақланган бўлиб, одатда зулук қўйиш йўли билан табобатда кенг фойдаланилган.

Қайт қилдириб даволашдан мақсад, инсон медалини тозалашдир. Табиблар бу усулни қўллашдан олдин беморнинг мижози, қандай касалликларга мойиллиги ҳамда жисмоний имкониятларини [17;12] билишни муҳим деб ҳисоблашган. Агар бу усул беморга мумкин бўлмаса, айрим ҳолларда сурги дори орқали ҳам меъда тозаланган [18;24]. Бундай даволаш анъанаси ҳам бугунги замонавий тиббиётда ошқозонни ювиш, ички аъзоларни тозалаш ёки бошқа кўринишда сақланиб қолган. Шарқ табобатида кенг тарқалган усуллардан бири массаждир. Ибн Сино: “Биз айт-мизки, даволаш иши уч нарса билан тугал бўлади. Биринчиси, тадбир (режим) ва озиқлантириш. Иккинчиси, дориларни истеъмол қилиш. Учинчи, си, қўл билан бажариладиган ишлар”, – деб таъкидлайди [19;10]. Қўл билан бажариладиган иш-

лар сифатида жарроҳлик каби амалиёт назарда тутилса-да, юқорида таъкидлаган усул ҳам бевосита алоқадор. Одатда бу ишлар шарқ ҳаммомларида амалга оширилган. Ҳаммомлар мармар супаларда ўтириб ёки ётиб терлаш, баданни уқалаш, иссиқ-совуқ сувда чўмилиш, чой ичиб дам олиш каби соғломлаштириш вазифаларини бажарган [20;24]. Уқалаш усули ҳаммомда бажаралишининг сабаби иссиқлик натижасида инсон бадани юмшаб, ушбу муолажа учун тайёр ҳолатга келган. Бемор баданини терлатиш ҳам ҳаммомда [21;39], шу билан биргаликда турли малҳамлар, ёғларни суриш орқали амалга оширилади. Бу орқали бемор танаси дарддан фориғ бўлган.

Халқ табобати анъаналарига айланган дори тайёрлаш, ташхис қўйиш ҳамда умумий даволаш усуллари-нинг ривож топиши ҳамда кенг тарқалишининг сабаби сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- халқ табобати анъаналари асрлар оша яшаб келаётганлиги;

- халқ табобатида фойдаланиладиган дориларни тайёрлашда топилиши осон, халқ орасида машҳур бўлган ўсимлик, гиёҳларнинг ишлатилиши;

- дори тайёрлашда хўжалиқдан фойдаланиладиган жиҳозларнинг қўлланилиши;

- дорилар тайёрлаш технологиясининг соддаллиги;

- халқ табобати асосан аҳоли ўртасида кўп кузатиладиган касалликларни даволашда машҳурлиги.

Ўзбекларнинг халқ табобати анъаналарига эътибор қаратсак, бу жараённинг шаклланишида бир қанча омиллар муҳим аҳамият касб этади, яъни юртимизда яшаб ўтган аллома Ибн Синонинг халқ табобати анъаналарини илмий исботлаб берганлиги; ислом дини қоидаларининг айрим жиҳатлари (тозалликка риоя қилиниши, табиблар этикаси, беморларга бўлган муносабат) халқ табобати талаблари билан ҳамоҳанг келиши; табибчилик касбининг узоқ йиллар давомида аждодлардан авлодларга мерос бўлиб қолганлиги. Ҳозир ҳам табиблар жамоаси ва айрим тиббиёт вакиллари халқ табобати анъаналарига бевосита мурожаат қилади. Анъаналарнинг бардавомлиги шундаки, улар вақт синовидан ўтган, тажрибада асосланган халқ билимлари маҳсулидир. Халқ табобати инсоният тарихи билан ҳамоҳанг ривожланиб келар экан, унинг анъана ва урф-одатлари турли давр сиёсати

ва тузум таъйиқлари остида ҳам яшовчанлигини сақлаб қолди.

Бугунги кунда дори тайёрлаш, ташхис қўйиш, даволаш каби анъаналар тиббиётнинг замонавий усуллари билан бойитилган. Фан тараққиёти натижасида табиблар меҳнатининг бир қисми технологиялар зиммасига юклатилди. Бироқ замонавий тиббиёт асосини халқ томонидан қўлга киритилган ютуқлар ташкил қилади. Шундай экан, халқ таъбаотида доир анъаналарни ўрганиш, таҳлил қилиш этнология, тиббиёт фанларининг ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аширов А. Этнология. Т.: Янги нашр, 2014.
2. Алиева П. Народная медицина аварцев: этнографический аспект. дисс. на к.и.н. Махачкала. 2007.; Аршба С. Народная медицина абхазов. М. 2007.; Бромлей Ю., Воронов А. Народная медицина как предмет этнографических исследований // Советская этнография. 1976. № 5.; Власов В.Г. Современный человек и традиционная медицина // Человек. 2001. № 1.; Голицына О. Медицина в культуре России XVIII века. дисс. на к.и.н. Волгоград. 2009.; Григорьева А. Народная медицина якутов (XVII–XIX вв.). дисс. на к.и.н. М. 1993.; Кадырова Л. Народные медицинские знания сибирских татар омского прииртышья (конец XIX – XX вв.). дисс. на к.и.н. М. 2004.; Минибаева З. Народная медицина башкир Курганской области (конец XIX – начало XXI в.). дисс. на к.и.н. Уфа. 2011.; Порозова А. Место традиционной народной медицины в современной жизни этноса (на примере Ульяновской области) // Материалы конфер. «Современные наукоемкие технологии». М. 2006. № 7.
3. Кушелевский В. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Новый Маргелан. 1890.
4. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунари. 1-жилд. Т.: Халқ мероси, 1993. 184-289 б.; Абу Бакр Розий. Касалликлар тарихи. (арабчадан Ҳ. Ҳикматуллаев ва У. Каримов таржималари). Т.: Халқ мероси, 1994.
5. Шишов А. Сарты. Част I. Т. 1903.
6. Сейфульмулюков И. К вопросу о табибизме в Узбекистане // Медицинская мысль Узбекистана. Журнал субтропической, лечебной и профилактической медицины. № 9-10. Т. 1928.
7. Монтеверде Н.А., Гаммерман А.Ф. Туркестанская коллекция лекарственных продуктов Музея Главного ботанического сада. Л., 1927 г.; Краузе Л. Заметки о медицинских и некоторых промышленных растениях

Мозий ва аждодлар мероси

- в Средней Азии // Русский Туркестан (сборник изданный по поводу политехнической выставки). М. 1872. С. 262-273.; Виноградов А. Список лекарственных растений, применяемых в народной медицине Средней Азии // Труды Туркменского Государственного медицинского института. Ашхабад. 1950. Т-VI.
8. Галкин. Военно-статическое описание Хивинского оазиса. Т. Книга по Требованию. 1902.
 9. Огуден В. Акторы-аптекари народной медицины мусульманского востока // ЭО. 2001. № 2.
 10. Абдуҷаббор Муҳаммад Собирўғли. Моштабиб. Т.: Фан, 2001.
 11. Ғойибов М. ва бошқалар. Хива таъбаоти. Т.: Абу Али Ибн Сино, 1995.
 12. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунари. 1-жилд. Т.: Халқ мероси, 1993.
 13. Фозилов И. Зарарли одатлар. Т. Правда Востока. 1961.
 14. Лыкошин Н. Сартараш // Туркестанские ведомости. 1903. № 75.
 15. Қон олиш ҳақида // Шарқ таъбаоти. 2000. № 3-4.
 16. Қортиқ – сигир ёки буқанинг шохидан ясалади. Тузилиши қийшиқ воронка шаклида бўлиб, уч томони кичик, паст томони эса катта тешикли бўлади.
 17. Қайт қилдириб даволаш // Шарқ таъбаоти. 2014. № 1.
 18. Танқия // Шарқ таъбаоти. 2014. № 3.
 19. Даволаш тўғрисида умумий сўз // Шарқ таъбаоти. 2003. № 1-2.
 20. Ўролов А. Ўтмишдаги даволаш ва шифобахш муассасалар. Т. Фан. 1990.
 21. Ўролов А. Ванна муолажаси Европадан олинганми? // Мозийдан садо. 2002. № 2.

Хуршид ЖУМАНАЗАРОВ,

ЎзР ФА Тарих институти.

